

ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТ РАВНАҚИ, ЯНГИ РЕКОРДЛАР УЧУН!



**ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ—УМУМХАЛҚ ИШИ
ҲАВАСКОРЛИКДАН СПОРТ МАСТЕРИГАЧА
ҚИШЛОҚ СПОРТИ ПРОБЛЕМАЛАРИ**

**САҲИФА
№ 24**

Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли «Старт» спорт клубида спортнинг бир қатор турлари бўйича секциялар мунтазам ишлаб турипти. Бу ерда юзлаб ҳаваскорлар маҳоратларини оширишмоқда. Н. Козиченко устозлик қилаётган бадний гимнастикачилар тўғрисида ҳам машғулотлар юқори савияда олиб боришмоқда. Суратда: набатдаги машғулот пайти. Р. Соқидов фотоси.

МАҚСАД—ОММАВИЙЛИК

РЕСПУБЛИКАДА физкультура ва спортни оммавий ривожлантиришда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаятган пойтахт бўлиб келган физкультура ташкилотлари ўтган йилнинг беш йилликнинг биринчи йилида бир қатор ибратли дадирларни амалга оширдилар. КПСС XXV съезди тарихий қарорларидан, КПСС Марказий Комитетининг 1976 йил октябр Пленумида илҳомланган бўлиб физкультурачиларни катта ютуқларини қўлга киритишди. Физкультура ва спортни ривожлантириш бўйича белгиланган тадбирларни амалга ошириш натижасида раъядли спортчилар сифи кенгайди, спорт билан шугулланувчилар сонини анча ортди, кўн физкультура коллективлари янада мустақамланди, бир қатор янги спорт ишхотлари бунёд этилди.

Ўтган йилнинг ўзига олабаста саломатлик тарови бўлган спорт билан шугулланувчилар сонини 330 минг кишига етди. Бу аҳолининг 19 процентини ташкил этади деган сўз. Ўтган олимпиада йили спортчиларнинг учун ҳам катта синов йили бўлди. Йўллардаги мусобақалар «олимпиада ҳамма учун» шiori остида ўтди. Ана шу мусобақалар давомида беш спортчи халқаро классдаги СССР спорт мастери нормативларини бажарди, 63 спортчи СССР спорт мастери, 270 дан зиёд йиллик мастерликка номзод лавабларини бажардилар. 1200 дан зиёд спортчилар биринчи раъяд талабларини, салкам 90 минг ўсмир эса оммавий раъяд нормативларини бажардилар. Область раъяди ва шаҳарларда ГТО комплексига норма топириш бирмунча ташкилий раъида ўтказилди. 138 мингдан ортқ киши «Меҳнат ва Ватан мудофасига тайёр» комплексига норма топирилди.

Ўтган йили республикада мамлакат тарма командалари сафида қатнашган Тошкент области вакиллари сафи кенгайганлиги ҳам қувонарлидир. Василлий Анкини, Наташа Бутузова, Александр Юдинлар Совет Иттифоқи чемпиони деган юксак ном эгаси бўлишди. Тошкент ақинидаги Солонеско лосекисиде яшовчи Ольга Руленко эса Европа чемпиони номига муассар бўлди.

Бекобод раъиядаги тренер Владимир Босковнинг шогирдлари бўлган академик эшак эшувчиларнинг Бекободлик тўрт спортчи мамлакатимизнинг энг кучли эшак эшувчи спортчилари билан бўлган баҳсда ғолиб

келиб чемпион бўлишди. Хоризда улар жаҳон чемпионатида қатнашадиган СССР тарма командаси составига асосий даъвогарлардан бири бўлиб туришмоқда.

Айниқса қишлоқ жойларда физкультура ва спортни оммавий ривожлантиришда сезиларли ютуқларга эришилди. Мавжуд физкультура коллективлари сафини кенгайтириш ва мустақамланди, янги коллективлар ташкил этиш борасида ташаббускорлар жонбозлиги кўрсатишмоқда, спорт-соғломлаштириш тадбирлари ўтказиш қўламини кенгайди.

Қишлоқ физкультура ташкилотлари ўтган йили 9 та спорт мастери, 400 та яқин юқори раъядли спортчилар тайёрлашди. Энг кучлилар «Пахтакор» кўнгилида қишлоқ спорт жамияти Марказий Совети тарма командаси сафида Бутуниттифоқ мусобақаларида иштирок этишди. Қарамонов, Мовсесян, Жўраев, Климух, Остонаев, Исмоилов, Морозов ва бошқалар 1976 йили Бутуниттифоқ қишлоқ спортчилари ўйинларининг чемпионлари ва совриндорлари бўлишди.

Областа физкультура ва спортни янада оммавий ривожлантиришда «Меҳнат», «Динамо», «Меҳнат резервлари» жамиятлари, Армия спорт клуби, Тошкент спорт маҳорати олий мактаби коллективларининг ҳиссаси катта бўлди.

Чирчиқ, Олмалик, Бекобод шаҳарлари, «Полиотдел», Димитров номи, Ким Пен Ха номи, Энгельс номи, «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» ҳўжаликлари кўн физкультура коллективлари ишлари мақтовга лойиқдир.

Лекин ҳали ҳам бир қатор жойларда физкультура

ва спорт ишларига иккинчи даражали вазифа деб қараётган раҳбарлар ҳам йўқ эмас. Айниқса маҳаллий миллат қизларини спортга жалб этиш ҳамон ачинарли аҳволда қолмоқда. Оҳангарон, Пискент, Бекобод районларида, Янгйўл ва Газаалкент шаҳарларида бу иш мутлақо қўйқарсиз аҳволдадир. Бу жойларда аҳолининг атиги 3—5 процентини спортга жалб этилганлиги кишини ачинадир.

Жойларда спорт комплексларига эга бўлмағи турби, физкультура ва спортни ривожлантириш ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам янги-янги спорт комплекслари қуришмоқда, эскилари тартибга келтирилиб кенгайтиришмоқда. Қўн Чирчиқ районидида «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхоз, Оққўрғон районидида Навоий номи ва Султон Сегизбоев номи ва бошқа бир қатор ҳўжаликларида оммавий физкультура ва спорт ишлари тўбдан яхшиланди.

Лекин область физкультура ташкилотлари спортни янада оммавийлаштириш, қўлаб лавқатли ва моҳир спортчиларни тарбиялаш учун ҳали кўп иш қилишлари керак. Бу йил қўлаб Бутуниттифоқ ва республика комплекс тадбирлари, бир қатор биринчиликлар ва мусобақалар ўтказиш лавлаштирилган. Ана шу баҳсларда муваффақиятли иштирок этиш билан бирга асосий мақсадимиз бўлган физкультура ва спортни янада оммавийлаштириш учун ҳаракат қилаверамиз.

А. ҲАФИЗОВ,
областа физкультура ва спорт комитетининг раиси.

КУНЛАРИНИНГ бирида Аҳмед мактабдан кеч қайди. Унинг уст-боси ифрос, қўлагининг экаси йиртилган эди.
— Яна ёқалашдингми?— сўради акиси.
— Йўқ, курашдик!— деди Аҳмед.

Ақаси ўйланиб қолди. Унинг миёсига бир фикир келди-ю, укасига зиндан рази солди. Аҳмед ҳийла гавдали, биланлардан куч ёғилиб турган, зувараси пишқи ва истараси иссиқ бола эди. У ўзидан иккинчи ўш катта болалар билан ҳам ҳеч ҳайқимасдан кураш тушавверди. Ақаси уни кўп марта кузатган. Унинг қаққон ва эпчиллигига қўйил ҳам қолган. Кураш секциясига олиб бориш керак. Нега шу ҳақда илгарироқ ўйлаб кўрмади экан...

Шу воқеа сабаб бўлдию, Аҳмед кураш секциясига қатъий бошлад.

— Кураш энг оғир ва маъшаққатли спорт турларидан бири,— деган эди ўшанда тренери Тошев.— кураш сирларини эгаллаш учун чинқиш, тинмай машқ қилиш, ўқиш ва ўрганиш керак.

Устозининг бу ўғитларини жон қўли билан эшитган Аҳмед тенгуурлар билан кураш тушиш сирларини, комбинацияларни астойдил ўргана бошлад.

У тез кунда ўз вази

категориясиде кетма-кет галабаларга эришсе бошлад. Кўн-дан-кўнға унинг маҳорати, тажрибаси ортқ борди. Аҳмед Кагарманов 1972 йили Тошкентга келиб, иккертанга ўқишга кирди. Кейин Тошкент қишлоқ ҳўжалик институтининг бухгалтерия факультетига имтиҳон топириди.

ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР

Энди у студент. Олий ўқув юртида ҳам тиришқоқ бу йилгит яхши ўқиш, филларни пухта ўлаштириш билан бирга жамоат ишларида фаол иштирок этмоқда. Аҳмед билим даргоҳида қанчалик банд бўлмасин, спорт секциясига қатнашган қанда қилмади. Уни физкультура кафедрасининг катта ўқитувчиси республикада катта кўрсатган тренер А. Ванюхин ўз тарбиясига олад.

Шундан бери у ўз тренери билан биргаликда машқ қилмоқда, маҳорат ва қалаба сирларини ўрганоқда. Аҳмед ўзини лавқатли спортчи экан



ЧИРЧИҚ «Электромашинпром» бирлашмасида физкультура ва спорт ишлари яхши йўлга қўйилган. Бирлашманин «Чимёна» спорт клуби доверуи эса ҳаммага маълум. Клубда спортнинг гимнастика ва хоккей, бокс ва оғир атлетика, волейбол ва баскетбол ҳамда бошқа кўлаб турлари бўйича секциялар ишлаб турибди. «Электромашинпром» цехи ва лабораторияларида ишлаб чиқариш гимнастика машғулотлари мунтазам ўтказиб турилади. Суратларда: (юқориди) бирлашма спорт фақри ҳисобланган Коммунистик меҳнат зарбдорлари — электроинженер Александр Грознов (чапда) ва Бақорид Алкеллар. (Пастда) контрол-ўлчов приборлари лабораториясиде гимнастика машғулотлари.

Р. Шамсуддинов ва А. Яковлев фотолари. [ЎЗАТГ]

нинг кўрсатиб, қатор учрашувларда муваффақиятга эришсе бошлад.

А. Кагарманов 1974 йилда 14-бутуниттифон ёшлар спартакиадасида қатнашиб, учинчи ўринни эгаллад.

Трестда спорт атлетика секциясига СССР спорт мастери Владимир Сичев устоз бўлиб келиб кетди. Фақат ўтган йилнинг ўзидеги бу ерда ўлаб курувчилар раъяд нормативларини бажарилди.

Трестда спортнинг кўнги-на турлари, футбол, теннис, шахмат, оғир атлетика, енгил атлетика бўйича секциялар мунтазам ишлаб турибди. Уларда кўлаб ёшлар маҳоратларини ошириб, шаҳар ва область ҳамда республика миёсиде ўтказилган мусобақаларда иштирок этишмоқда.

СССР спорт мастерлигига номзод Юрий Спирин, 1 разрядли И. Гутин, И. Рахмонов, Н. Брюков сингари спортчилар трест тарма ко-

ҚУРУВЧИ ЧЕМПИОНЛАР

Бош бшоқармада «Таштрасспестрой» спортчилари ҳақида илқ гапларини эшитиш мумкин. Трестда оғир атлетика секциясига СССР спорт мастери Владимир Сичев устоз бўлиб келиб кетди. Фақат ўтган йилнинг ўзидеги бу ерда ўлаб курувчилар раъяд нормативларини бажарилди.

Трестда спортнинг кўнги-на турлари, футбол, теннис, шахмат, оғир атлетика, енгил атлетика бўйича секциялар мунтазам ишлаб турибди. Уларда кўлаб ёшлар маҳоратларини ошириб, шаҳар ва область ҳамда республика миёсиде ўтказилган мусобақаларда иштирок этишмоқда.

СССР спорт мастерлигига номзод Юрий Спирин, 1 разрядли И. Гутин, И. Рахмонов, Н. Брюков сингари спортчилар трест тарма ко-

мандаси сафиде муваффақиятли қатнашмоқда. Қурувчи спортчилар ўрта-сида ГТО ишондорлари тайёрлаш ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган. Янгида яна 45 йилгит-қиз «Меҳнат ва мудофасига тайёр» аниқчига норма топирилди. Бу ерда жамоатини инструкторлар ва судьялар тайёрлашга ҳам янгиий эътибор берилмоқда.

«Таштрасспестрой» спортчилари республика қурувчи спортчилари спартакиадасида ҳам иштирок этишди. Фарғонада бўлиб ўтган шахматчилар мусобақасида биринчи ўринни эгаллаб, кубок ва фахрий ёрлиқ билан тақдирландилар.

Х. ИНОГОМОВ,
1 разрядли спортчи.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

РЕКЛАМА ЭЪЛОНЛАР

БУГУН МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиланди. 10.10 — Гимнастика. 10.30 — «Орбон», 11.15 — «Яна Тараниш» (тележурналист). 12.25 — Миллионлар ленинча университетини. 16.00 — Буюк бунёдкорнинг қувалиги. 16.50 — «Мен ётирган қизча» (бадий фильм). 18.05 — Москва ва москвалар. 18.35 — Концерт. 19.00 — Янгиланди. 19.10 — «Илк қувончлар» (бадий фильм). 21.00 — Бизнинг биография. 1933 йил. 22.00 — «Вакт». 22.30 — Арплото. 23.40 — Катталар учун мультфильм. 24.00 — Хоккей: «Спартак» — «Крилья Советов». 00.40 — Янгиланди.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ ПРОГРАММАСИ

16.30 — Мультфильм. 18.50 — Футбол бўйича VII Халқаро ўсмирлар турнири (матбуот конференцияси). 19.25 — Сиҳат-саломатлик. 19.45 — «Ахборот». 20.00 — Олағма савҳат. 21.00 — «Ахборот». 21.30 — «Ўзувчилар—ёзувчилар ҳақида». Қайен Қулиев Зуфрий ҳақида. 22.00 — «Вакт» (Манава). 22.30 — Познелмат бунёдкорлари. 22.50 — Концерт.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — Доктор Абстининг тажрибаси (бадий фильм). 20.40 — Янгиланди. 21.00 — Ёқитувчилар учун консуртациа. 21.30 — Трансперт ва йўловчилар. 22.00 — Чизма геометрия.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 26 йил да Севга ҳақида қисса, 27 йил да Борис Годунов.

ХАМЗА НОМЛИ ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 26 йил да Парвона, 26 йил да Қиёмат наъз, 27 йил да Келинлар қўзғолони (қувдуз, билетлар сотилган). Ўтирилган умр (кечкурун).

МУКМИНИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИ.

ДА — 26 йил да Концерт, 27 йил да Гулбаҳор қани (қувдуз). Ийлар ўтиб (кечкурун), 28 йил да Комедия, комедия, ёхуд хангома.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 25 йил да Фақат айл сотилмайди (17.30), 26 йил да Тинмасин саз (17.30), 27 йил да Ун санкин ешлигим (12.00).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «ГРУЗИЯ ЦИРКИ» коллективини ва Ўзбекистон ССР халқ арктисти ҲАМИЛ ЗАРИПОВ раҳбарлигидаги «Ўзбекистон йилгитлари» коллективининг кишиллари (15.00, 19.30).

ХИМОН УЧУН СЎЗ — «ЧАЙКА» (қувдуз), «МОСКВА» (куфт соатларда), «ВОСТОК», «НУКУС» (қувдуз ва кечкурун).

Малиновкада тўй — «ҚОЗО. ГИСТОН» (11, 12.00).

Эсини милтиқ — «МИР» (қувдуз ва кечкурун). Барҳаёт ишчилар — «ТИНЧЛИК» (тоқ соатларда). Зорро — «ТОШКЕНТ СОВЕТНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (қувдуз ва кечкурун).

Баҳоринг қақирғи — Г. Г. ЛОМ номи (тоқ соатларда).

«ҚИБРАЙ» ПОСЕЛКАСИННИНГ СТАДИОНИДА
ФУТБОЛ БЎЙИЧА
VII ХАЛҚАРО
ТУРНИР

26 ФЕВРАЛЬ СОАТ 12.00 ДА
БОЛГАРИЯ —

ЧЕХОСЛОВАКИЯ

27 ФЕВРАЛЬ СОАТ 14.00 ДА
ВЕНГРИЯ —

ЎЗБЕКИСТОН

1 МАРТ СОАТ 16.00 ДА
ФИНИЛАНДИЯ —

ПОЛЬША

2 МАРТ СОАТ 16.00 ДА
ЎЗБЕКИСТОН —

СССР-I

4 МАРТ СОАТ 16.00 ДА
ЧЕХОСЛОВАКИЯ —

ГДР

5 МАРТ СОАТ 11.00 ДА
VII—VIII ЎРИНЛАР УЧУН

УЧРАШУВ.

ҲАММА ЎҚУВЧИ-СПОРТЧИ

Ешларнинг катта спорт сари қадам ташлашларида мактаб муҳим роль ўйнаши ҳеч кимга сир эмас. Шунинг учун ҳам Ҳабиб Абдуллаев номи 193-мактабда физкультура ва спорт ишлари юксак даражада олиб борилишига алоҳида аҳамият берилмоқда. Мактаб насбатан Ёш коллективлардан ҳисобланади. Лекин спортдаги эришган ютуқлари бу ерда қўнгила ишлар қилинганлигидан далолат бериб турибди.

Мактаб спортчиларига ўз касбига меҳр қўйган, меҳнатсевар, тажрибали педагог Тўлқин Ҳайдаров раҳбарлик қилади. Волейбол, баскетбол, қўл тўни, стол теннис, гимнастика, енгил атлетика секциялари очилишида ҳам унинг катта ҳиссаси бор.

Тенисчиларимиз, волейболчиларимиз, гимнасти-

качиларимиз турли мусобақаларда қатнашиб дуруст натижаларни қўлга киритишмоқда,— дейди Тўлқин Ҳайдаров.— Айниқса гавдочиларимизнинг муваффақияти қувонарлидир. Командамиз район ва шаҳар биринчиликларида мунтазам қатнашиб, доимо совринли ўйинларини эгаллаб келмоқда. Ғофир Иброҳимов эса ўтган йили Львов шаҳрида бўлиб ўтган Бутуниттифоқ ўқувчилар спартакиадасида республика тарма командаси составида Ўзбекистон шарофини ҳимоя қилди. Айни пайтда Акбар Набиев республика ўсмирлар тарма командаси аъзоллигига номзод ҳисобланади.

Бу муваффақиятларнинг бири нимадир? Ўқувчиларнинг физкультура ва спортга қизиқишлари табиий ҳол. Фақат ана шу қизиқишни

маълум мақсад сари йўналтириб туриш, уларнинг маҳоратларини ошира бориш керак. Мактаб матамурияти, физкультура ўқитувчилари ана шунга алоҳида эътибор бермоқдалар. Айниқса ГТО комиссияси яхши натижа бермоқда. Саломатлик комиссияси нормативларини топириш мактабда доимо байрамга айланиб кетади. Шуниси диққатга сазоворини, ўқувчиларнинг норматив топиришларида фақат жисмоний тарбия ўқитувчиларигина эмас, уларнинг комбомакт даргалари катта ёрдам бермоқда.

— Асосий мақсад юксак спорт нўқчаларини забт этишдан иборат деган педагог янгиллашди.— деб давом этади Тўлқин Ҳайдаров.— Муҳими, болаларда физкультура ва спортга муҳаб-

бат уйғотиш, уларнинг жисмонан бақувват бўлиб ривожланишларига ҳисса қўишидир. Асосий рекорд ана шунда ҳисобланади. Бир воқеа сира эсимдан қичмайди. М. Исоқова еттинчи синфгача физкультура дарсдарида қатнашмас эди. У жузда нозик, жисмонан чинқиришга шундоқ сезилиб турарди. Бир кун онаси келиб «врачлар рухсати бўлмаса ҳам бироз енгилроқ машғулот ўргатсангиз, физкультурага қизиқтирсангиз» деб ялтимоқ қилди. Ҳали ҳам анчадан бери шу ҳақда ўйлаб юрардим. Мавжуднинг онаси айтган гаплар менга туртки бўлди. У билан енгиллаштирилган гурупада машғулот ўтказса бошладим.

Ҳозир Мавжуда жуда ўзғариб кетган. Спортга му-

ҳаббат қўйди, ўқишлари яна ҳам яхшиланди.

Физкультура ўқитувчиси ҳақ: муҳими юксак марралар эмас, Лекин «бу ўртамеёна натижалар билан қониқиб юраверин деган гап ҳам эмас. Бунини мактаб ўқувчилари ва ўқувчилари яхши тушунадилар. Физкультура ва спорт соҳасидаги натижалар ҳам бунини яқин кўрсатиб турибди. Ўтган йўл йилида мактабда 400 га яқин ГТО ишондорлари, 200 га яқин разрядли спортчи, 30 дан зиёд ёш спорт инструкторлари ва жамоатчи судьялар тайёрланди. Ана шунинг ўзиёқ 193-мактаб спортчилари оммавийликдан маҳоратга қадам ташлаётганлигини кўрсатиб турибди.

М. МИРАЛИМОВ,
Тошкент шаҳри.

ТОШКЕНТ
ҲАҚИҚАТИ

(«ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»).
Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана
и областного Совета депутатов трудящихся

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ТЕЛЕФОНЛАР

коммутатор — 330249 дан 330258 гача,
Эълолар — 338142.